# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: halksuzi@uzpak.uz ● 2002 йил 7 ноябрь, №241 (3069) Пайшанба




## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 6 ноябрь куни Оқсаройда Франция Ташқи ишлар вазирлиги давлат котиби Рено Мюзельени қабул қилди.

Меҳмон юртимизга Франция Сенатининг бир неча аъзоси ҳамроҳлигида ташриф буюрган. Бу мамлакат парламентининг юқори палатасида "Франция — Марказий Осиё" депутатлар гуруҳи ташкил этилган. Қуйи палата бўлмиш Миллий йиғинда эса "Франция — Ўзбекистон" депутатлар гуруҳи ишлаб турибди. Мазкур делегациянинг ташрифи чоғида икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида фуқаролар хавфсизлиги, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишда ўзаро ҳамкорликни таъминлашга қаратилган битим имзоланди.

Учрашувда Президент Ислом Каримов Франция сиёсий доираларида Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга ажратилаётган эътиборни юксак қадрлашини таъкидлади.

Ўзбекистон — Франция муносабатлари жадал ривожланиб бормоқда. Икки мамлакат сиёсий, иқтисодий, илмий-маданий ҳамкорлик билан бир қаторда, ҳарбий-техникавий соҳа, парламентлараро алоқалар бобида яхши муносабат ўрнатган. Франция Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги савдо-иқтисодий шериклари орасида етакчи ўринда туради.

Шу кунгача мамлакатларимиз ўртасида турли соҳаларга оид йигирмага яқин ҳужжат қабул қилинган. Ҳозир яна ўнга яқини тайёрланмоқда. Самарқанд билан Лион ҳамда Бухоро билан Рюэл-Малмэзон шаҳарлари ўртасидаги шериклик алоқалари изчил ривожланяпти.

Оқсаройдаги суҳбат мобайнида ўзаро манфаатли алоқаларни янада равнақ топтиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда Рено Мюзелье мамлакатимиз раҳбарига Франция Президенти Жак Ширакнинг мактубини топширди.

(ЎзА).

СУРАТДА: қабул пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

## ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

*Франция Ташқи ишлар вазирлиги давлат котиби Рено Мюзелье раҳбарлигидаги делегация вакиллари 6 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Рустам Азимов билан учрашди.*

Суҳбат чоғида томонлар Ўзбекистон — Франция иқтисодий ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва бу йўлда алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган соҳалар юзасидан фикр алмашди.

Шу куни Франция делегацияси мамлакатимиз ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев билан учрашди. Музокарада икки томонлама ҳамкорлик билан бир қаторда минтақавий хавфсизлик, Марказий Осиёда кечаётган иқтисодий-сиёсий жараёнлар ва кўплаб бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди. Учрашув якунида Ўзбекистон ва Франция ҳукуматлари ўртасида фуқаролар хавфсизлиги, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишда ўзаро ҳамкорликни таъминлашга қаратилган битим имзоланди.

## ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

Корея Республикаси Президентининг махсус вакили, тижорат, саноат ва энергетика вазири Шин Кук Хван раҳбарлигидаги делегация вакиллари 6 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида бўлди. Вазирнинг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон Президентининг Афғонистондаги махсус вакили Содиқ Сафоев билан суҳбат чоғида Ўзбекистон — Жанубий Корея ҳамкорлиги самарали кечаётгани таъкидланди. Томонлар икки ўртадаги алоқалар кўламини янада кенгайтириш, истиқболда амалга оширилиши мумкин бўлган қўшма лойиҳалар юзасидан фикр алмашди. Хусусан, Афғонистон иқтисодиётини тиклаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув сўнгида Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Корея Тижорат, саноат ва энергетика вазирлиги ўртасида Афғонистондаги иқтисодий тикланиш ишларида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжат имзоланди.

Шу куни делегация вакиллари Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида ҳам бўлди. Учрашувда ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

## Президент маърузасини ўрганишга бағишланди

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган устувор вазифаларни амалга оширишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда ушбу маърузанинг юрт мустақиллиги негизида миллий истиқлол ғоясини пухта ўрганиш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимиз фаровонлиги йўлида халқимизнинг онгу тафаккурида бурилиш ясаш каби жиҳатлари жамиятимиз тараққиёти учун айниқса муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Бу борадаги ишларни янада жонлантириш, турли маърифий тадбирларда юзакичилик ва кампаниябозликка йўл қўймаслик зарурлиги алоҳида қайд этилди.

(ЎзА).

Маърифат соати

*Болалик пайтларимда маҳалламиздаги кўпгина қўшниларимизда телевизор йўқ эди. Шу сабаблими, гоҳ у, гоҳ бу қўшниларимиз телевизор кўриш баҳонасида кечга томон бизникига чиқишар, кўрсатувлар тугаганидан сўнг ҳам то ярим тунгача суҳбатлашиб ўтиришаверарди. Баъзан эса телевизор томоша қилиш у ёқда қолиб, ўзларининг дарди «достон бўларди». Болалигимга борибми, телевизор томоша қилишга халақит берадиган шу қўшниларни шунақанги ёмон кўрардимки, асти қўяверасиз. «Фалончи холангни айтиб чиқ, яхши концерт (ёки кино) бор экан», дейишса, ўша қўшнини айтиб чиқмаслик учун мингта баҳона тўқиб ташлардим. Ва, баъзан ниятимга эришардим ҳам...*

## Орамиздан оқибат кўтарилмасин

Орадан йиллар ўтиб, ўша вақтлар бот-бот эсимга тушса, энди бир вақтлар жонимга теккан қўшниларимизга бошқача нигоҳ билан қараётганимни сезиб қоламан. Ҳозир тушунсам, ўшанда қўшниларнинг дарди телевизор томоша қилиш бўлмаган, балки ораларидаги ўзаро меҳр-оқибат, вақт-бемаҳал бир-бировининг ҳолидан хабар олиб, дардига малҳам бўлиш экан. Телевизор эса бу борада фақат бир баҳона, воситачи бўлган, холос.

— Биз инсонни коинот сарвари деб таърифлашни ёқтирамиз, — деганди бир суҳбатда Тошкент жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети доценти, филология фанлари номзоди Мунаввара Дадажонова. — Аслини олганда, инсонни буюк қилган ва тирик жонзодларнинг султони бўла олишига замин яратган нарса унинг қалбидаги ўз яқинларига бўлган меҳр-оқибат туйғусининг ўзгинасидир. Аммо «Меҳр», «Оқибат» деб тинимсиз гапираверишнинг фойдаси йўқ, бу тушунчаларни бола ёшлигидаёқ ота-онаси, яқинлари, қўни-қўшнилари, қисқаси, ўзининг атрофидаги катталардан мерос қилиб олади. Ота-онаси болани меҳр билан ўстиришининг ўзи кифоя эмас, балки ундан ўша берилган меҳрга яраша меҳрни қайтаришни — оқибатни талаб қилиши лозим. Ахир челакдаги сувни қошиқлаб олсангиз у ҳам бориб-бориб тугайди-ку. Сув тугамаслиги учун эса қанча сув олсангиз, челакка яна ўшанча солиб қўйиш лозимдир. Мен талабаларимга айнан шундай тушунчаларни сингдиришга уринаман, ҳаётий воқеалардан мисол келтираман. Уларга ўзларини оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган, билим олиб, етук инсон бўлиб камол топишлари учун ҳамма имкониятларни яратиб берган ота-оналари, қолаверса, Ватани олдида бурчли эканликларини доимо эслатиб тураман...

Мен бир оилани танийман. Эр-хотин ҳалол, товфиқли, диёнатли инсонлар бўлиб, беш фарзандни тарбиялаб, вояга етказишди. Икки қизни турмушга беришди, ўғилларини уйлантиришди. Кутилмаганда тузуккина пул топадиган ўртанча ўғил саёқ йўлга кириб, айш-ишратга берилиб кетди. Икки фарзанди билан хотинини уйдан ҳайдаб, бошқасига уйланмоқчилигини маълум қилди. Шунда онаси ўғлига уйдан чиқиб кетишни ва то пок йўлга кирмагунича кўзига кўринмасликни буюрди. Ўғли: «Дада, наҳотки ойим мени уйдан ҳайдашига индамай қараб турсангиз?» деб сўраганда, отаси: «Ўғлим, сенга роса меҳр берибмизу, аммо оқибат нималигини тушунтиришни унутибмиз-да» деб жавоб берганди. Ўғли уйдан чиқиб кетди, ота-она келинини ва икки норасида набирасини уйга қайтариб олиб келишди. Ва... Дунёда адолат барҳақ эканлигининг исботини узоқ кутишмади. Орадан уч йил ўтиб: «Суймаган ошимга қошиқ уриб қўйдим» деб фарёд чеккан ўғил адашганини тан олиб, яна ота-онасининг остонасига бош уриб келди. Ота-она экан-да, адашган «улоқча»сини кечиришди, табиийки, «суюлмаган» хотини ва икки фарзанди ҳам ўзларини гўё орадан ҳеч нарса ўтмагандек тутишди. Ваҳоланки, уларни бу оилада бир-бирига боғлаб турувчи меҳр риштлари аллақачон узилган, айниқса, анча ақлини таниб қолган 10 яшар ўғли дадаси бошқа бир аёлни «севиши»дан хабар топган, ҳатто «ўгай укача»си борлигини ҳам биларди. Бир куни эр-хотин орасида гап қочиб дадаси ойисига ўшқираётганини кўрган бола отасининг ёнига югуриб келди-да:

— Ойим ёқмаган бўлса, яхши хотинингизнинг ёнига кетаверинг! — деб бақирди.

Ана оқибат! Отанинг худбинлик билан, ўйламай босган биргина қадами туфайли бир оила қўрғони барбод бўлди. Оиладан тинчлик, тотувлик, файз-барака кўтарилди, фарзандларнинг ота-онага нисбатан оқибати барбод бўлди. Боланинг эзгулик ниш ота бошлаган маъсум қалбида адоват, аламзадалик, меҳр-муҳаббатга нисбатан ишончсизлик пайдо бўлди. Бу эса унинг ҳам отаси сингари худбин бўлиши учун яхши замин яратиши мумкин эди. Илло, боланинг бахтига бувисининг саховати ва зукколиги уни бундай йўлдан қайтарди...

Баъзан биз оқибат деган тушунчани унчалик англаб етмаймиз ҳам. Ўта оқибатли инсонларни кўриб ҳайратга тушамиз, уларнинг хатти-ҳаракатлари бизга эриш туюлади. Бир мисол. Бир неча йил муқаддам онам хасталаниб ётиб қолдилар. Қўшни аёллар бирин-сирин ҳол сўрагани кира бошлашди. Шунда Зокир ака исмли қўшнимиз хотини билан бирга хабар олгани кирди. Анча суҳбатлашиб ўтиришди, онамнинг кўнглини кўтариб, шаҳарда таниш шифокорлари борлигини, лозим бўлса олиб бориб таништиришини айтди.

— Шу Зокир ака жуда ғалати одамда, — дедим мен ажабланиб. — Тўй-маърака майли, бемор қўшнидан ҳол сўрагани ҳам хотини билан етаклашиб келадими?! Мастура кеннойининг ўзи чиқса ҳам бўларди-ку!

— Жуда калта ўйлайсан-да, ким айтади сени журналист деб?! — дея койиб бердилар дадам. — Бундай одамларни ғалати эмас, ОҚИБАТЛИ инсон дейиш керак. Оқибатли инсонлар фақат ўз яқинларига эмас, балки қўни-қўшниларга, етти-ёт бегона инсонларга ҳам меҳр кўрсата олади. Оқибатли инсонлар бошига ташвиш тушган одамга кўмак беришга доим шай туради, йиқилганни суяйди, йиғлаганга ҳамдард бўлади. Бундай одамлар кўчада йиқилиб ётган одамнинг ҳам ёнидан бепарво ўтиб кетмайди. «Эҳтимол, тоби қочиб йиқилиб тушгандир, иссиқ жон-да», деб ўйлашади. Кўчада йиғлаб кетаётган болани тўхтатиб, йиғисининг сабабини суриштиради. Ахир кимнингдир нуридийдаси адашиб ҳам қолган бўлиши мумкин-да...

— Ҳа-а, қўшни келинлар ўзининг уйида машинаси бўла туриб, боласи хасталанса ёки кўзи ёриш арафасида «туман касалхонасига элтиб қўйинг», деб сизнинг олдингизга югуриб чиқишларининг сабаби энди ойдинлашди, — деб гапни ҳазилга бурдим хижолат бўлганимни яшириш учун.

Очиғини айтай, бундай ҳолларда кўпинча энсам қотарди. «Ўзининг уйида қўшалоқлаб машинаси бор одамнинг келинини ярим кечада туғруқхонага олиб бориш зарилми сизга? Бунинг устига кўзингиз хира кўрса?!» дегандим бир марта жаҳлим чиқиб. «Қўй, индама, эшитиб кўнгли ранжийди. Бу ишнинг савоби улуғ», дея дадамнинг ёнларини олгандилар онам...

Ўйлай-ўйлай шундай хулосага келдим. ОҚИБАТ деганлари — меҳр, шафқат, инсоф, диёнат, иймон, қолаверса, виждон тушунчаларини ўзида мужассам этган хислат экан. Инсонлар оқибатли бўлган оилада тинчлик, аҳиллик ҳукм суради. Гарчи ўзларини ўтга-чўққа урмасалар-да, фаровон ва тўкин яшашади. Чунки меҳр-оқибат ҳукмронлик қилган уйда файз-барака сероб бўлади. Фарзандлар бахтли, ота-онаси ва яқинларига меҳрли бўлиб вояга етадилар. Бундай фарзандлар эл-юртининг, Ватанининг тиргаги бўлишига қодирдирлар. Оқибатли инсонлар ҳар қандай жамиятнинг кўркидир.

Муҳаббат ЙЎЛДОШЕВА.

## МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ МАЖЛИСИ

Вазирлар Маҳкамасининг Компьютерлаштириш ва ахборот- коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Мувофиқлаштирувчи кенгаш таркибига кирувчи вазирлик, қўмита, компания, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Бош вазир ўринбосари, Мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси А.Арипов бошқарган мазкур мажлисда "Электрон рақамли имзо тўғрисида", "Электрон ҳужжатлар алмашиш тўғрисида", "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонунлар лойиҳалари, "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги қонун, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида Ахборотлаштиришни тараққий эттириш концепцияси янги таҳрирларини тайёрлашнинг бориши, давлат бошқарувида электрон технологияларни жорий этишнинг аҳволи таҳлилининг натижалари билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, кейинги даврда мамлакатимизда ахборотлаштириш соҳасида тубдан ўзгариш ясаш бўйича талай ишлар амалга оширилаётир. Айниқса, жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириш ва унинг ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтириш учун қулай имкониятлар яратиш бўйича муҳим қарорлар қабул қилингани алоҳида эътиборга моликдир. Зеро, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги устувор мақсад ва вазифаларимиз мазкур соҳада ана шундай изчил ўзгаришларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Шунингдек, мажлисда миллий дастурчилар мактабини шакллантириш борасида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ахборот тингланди. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларини янада жадаллаштириш зарурлигига эътибор қаратилди. Аҳолининг кенг қатламларини оммавий ахборот воситалари кўмагида компьютер техникаси ва технологиялари бўйича босқичма-босқич ўқитиш истиқболлари ҳақида гап борди.

Б. НОРБОЕВ, ЎзА мухбири.

## Вилоятда биринчи

Вобкент тумани пахтакорлари давлатга 37,5 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериб, йиллик шартнома режасини Бухоро вилоятида биринчи бўлиб адо этдилар. Мавжуд 11700 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.



Эришилган меҳнат ғалабасига Навоий номли, ал-Бухорий номли, «Зарбдор», Х.Камолов номли, «Зарафшон», М.Жўрабоев номли ширкат хўжаликлари, юзлаб фермерлар ва оилавий пудратчилар салмоқли улуш қўшдилар.

Вобкентлик деҳқонлар ўз имкониятларини чамалаб чиқиб, қабул пунктларига қўшимча равишда 5000 тонна саноат хомашёси топширишга аҳд қилдилар.

Н. ТОШЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Сўнгги хабарлар

## Қонунни четлаб ўтиб бўлмайди

*Газетамизнинг шу йил 4 октябрь сонида "Коса тагида ним коса" мақоласи чоп этилган эди. Ушбу мақола юзасидан Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи муовини З. АТАХАНОВ имзоси билан жавоб хати келди. Унда қуйидагилар баён этилган:*




"Мақолада кўрсатилган савдо корхоналарида назорат тартибида текширишлар ўтказилди ва уларда қуйидаги камчиликлар борлиги аниқланди: Чилонзор туманида жойлашган "Асил Зот" хусусий фирма дўконида 28,7 минг, Акмал Икромов туманида жойлашган "Собит ҳожи"хусусий фирмасига қарашли дўконда 25,4 минг, Шайхонтоҳур туманида жойлашган "Асилбек савдоси" хусусий фирмасининг "Аср" дўконида 35,6 минг, "Нигоҳ Хуршид" хусусий фирмасига қарашли дўконда 2,5 минг сўм савдо пули назорат касса машинаси хотирасига киритилмаганлиги маълум бўлди. Мазкур корхоналарга нисбатан 453,5 минг сўмдан молиявий жарима белгиланди. Текшириш натижалари бўйича тўпланган ҳужжатлар қонуний чора кўриш учун туманларнинг маъмурий бўлимларига топширилди.

Эътироф этиш керакки, сўнгги тўққиз ой ичида мулкчилик шаклидан қатъий назар шаҳар ҳудудида нақд пулга фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларда 1765 та назорат тартибидаги текширувлар ўтказилди ва 1664 тасида турли камчиликлар борлиги аниқланди. 676 та ҳолатда юридик корхоналар 262,2 миллион сўм молиявий, 965 шахс эса 16,0 миллион сўм миқдоридаги маъмурий жаримага тортилди. Ҳукумат қарорларига зид равишда савдо қоидаларини бузган 25 шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилган.

Ўтказилган текширишлар жараёнида қонунбузарликларга йўл қўйган 1033 та савдо корхонасига нисбатан ҳокимликларга тақдимномалар киритилди.

Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси оммавий ахборот воситалари томонидан билдирилаётган ҳамкорлик муносабатларига ўз миннатдорчилигини билдиради".




## Ватанимиз шаънини улуғлаганлар

Пусандаги байдарка бўйича иккилик пойгада бронза медалини қўлга киритиши Надежда Пишчулина учун катта воқеа бўлди. У беҳад хурсанд эди. Аммо дугоналари унинг қувончига совуққонлик билан ёндошди: «Шошмайтур, ҳаяжонларингни эҳтиёт қил, «тўртлик»ка старт берилишига бир соатга яқин вақт бор». Надя бундан хафа бўлмади, тушунди: бир соатдан сўнг медал билан ҳамма — Тоня Москалева ҳам, Юлия Борзова ҳам, Татьяна Левина ҳам бирдек фахрланиши мумкин.

Ўшанда «тўртлик» олтин медалга сазовор бўлиши мумкинлигини Надежда ҳали ўйламаганди ҳам.


Газетамизнинг 4-саҳифасига қаранг. →



Обуна 2003

Юртга содиқ инсонга нима афзалдир бугун?
Жавоб шу: халқ меҳри, халқ фикри, халқ сўзи устун

Агар сиз

— *ҳуқуқий давлат қураётган жамиятга муносиб фуқаро бўлай десангиз,*
— *икки палатали парламент яратилишида фаол иштирок этишни истасангиз,*
— *дунёда рўй бераётган воқеаларга бефарқ бўлмасангиз,*

«Халқ сўзи»га обунани расмийлаштиришни кечиктирманг.
Нашр индексимиз — 229



«Обуна каталоги» инглиз ва рус тилларида «Интернет»га киритилган.
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясининг веб сайти («манзил варағи»):
http: //mtu. uzpak. uz/ uzbek. html

Жамоатчилик асосида обуна уюштирганлик учун улар топширган нақд маблағнинг 0,1-1 фоизигача ҳақ тўланади.
Обунани расмийлаштириб, нашрларни муштарийларга етказиб беришни зиммасига олган тадбиркор, меҳнат жамоаси ва маҳалла вакилларига шартнома асосида қўшимча рағбатлантириш пули берилади.

Қарор ва ижро

# Шижоаткорлик барака келтиради

*Бугун Самарқанднинг бепоён пахтазорларида иш қизғин. Эртадан кечгача ўз ўрнини далада деб билган деҳқон ва ҳашарчилар кузнинг қуёшли кунларидан самарали фойдаланиш ҳаракатида. Уларнинг фикри-зикри вилоятнинг 260 минг тонналик юксак хирмонини тезроқ барпо этиш. Барча жойларда Вазирлар Маҳкамасининг "2002 йил пахта ҳосилини уюшқоқлик билан йиғиштириб олиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида иш олиб борилаяпти.*

— Ушбу қарор талабларининг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш мақсадида сентябрнинг дастлабки кунлариданоқ бошқарманинг махсус буйруғини чиқардик, — дейди "Пахтабанк"нинг вилоят бошқармаси бошлиғи Бадриддин Насриев. — 7 кишидан иборат штаб туздик. Улар мавсум давомида жойларда бўлиб, теримчиларга ўз вақтида пул тўланишига эришаяптилар.

Банк ва унинг жойлардаги бўлимлари туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйган. Бошқармалар ҳар беш кунлик ҳисоб-китоб варақаларини жойлардаги тижорат банкларига топшириб боришади. Пахта заводлари эса қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан топширилган пахта хомашёси тўғрисида кунлик маълумотни вақтида етказишни таъминлайди. Айни пайтда барча ҳудудларда иш шу асосда олиб борилмоқда.

Ажратилаётган маблағларни ширкат хўжаликлари ва фермер хўжаликлари бўйича тўғри тақсимлаш ва эгаларига вақтида етказиб бериш йиғим-теримнинг муваффақиятли ўтишида энг муҳим омил ҳисобланади. Шу боис бу борадаги ишларни кўнгилдагидек ташкил этиш мақсадида банк, молия, солиқ, қишлоқ хўжалик корхоналари ходимлари, нуронийлар, маҳалла оқсоқоллари, зиёлилар иштирокида ҳар бир хўжаликда алоҳида комиссиялар тузилган. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли йиғим-терим учун ажратилган нақд пулларнинг мақсадсиз ишлатилишига йўл қўйилмаяпти.

Хўжаликларда пахта йиғим-теримига сентябрнинг йигирманчисидан киришилганди. Дастлабки ўн кунда терилган 54474 тонна пахта учун республика Молия жамғармасидан 1574,4 миллион сўм маблағ ажратилди. Унинг 188,1 миллион сўми даромад солиғига, 40,9 миллион сўми нафақа фондига ўтказилди. 1345,4 миллион сўм нақд пул эса теримчиларга берилди.

Октябрь ойида барча хўжаликларда йиғим-терим авж паллага кирди. Айни кунларда Нарпай, Жомбой ва Самарқанд туманлари пахтакорлари пахта тайёрлаш йиллик режасини ошириб бажардилар. Сўнгги йигирма кунда теримчиларга 3768,5 миллион сўм тарқатилди.

Банк ходимлари туманларда пахта йиғим-теримининг боришига тўсқинлик қилувчи муаммоларни ўрганиб боришаяпти. Бундай ҳолатлар учраган жойда зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Нақд пулларнинг тарқатилиши бўйича теримчилар билан суҳбатлар ўтказилаётир.

Нарпайлик теримчилар — Шоира Омонова, Садоқат Холова, Севара Каримова, Райҳон Ортиқовалар билан суҳбатлашганимизда, банк ходимларининг фикрлари тўғри эканлигига амин бўлдик.

— Ҳар беш кун терилган пахтамизга пул берилаяпти, — дейишди улар. — Далада пахта мўл, албатта. Ҳар беш кунда оиламиз аъзолари билан 15 мингдан 25 минг сўмгача нақд пул олаяпмиз. Бу бир ойда камида 100-150 минг сўм, демакдир.

Вилоятнинг бошқа туманларида ҳам теримчиларга ҳақ тўлаш масаласи кўнгилдагидек ташкил этилган. Бу эса йиғим-терим мавсумининг самарали ўтишига хизмат қилаяпти. Дарҳақиқат, манфаатдорлик бор жойда ҳамиша унум, барака бўлади.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**



*"Учқўрғонёғ" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган "Ўзбекистон", "Маржон" ёғларининг Наманганда довруғи баланд. Яқин кунлар ичида ушбу маҳсулотлар қаторига доғланган ёғ ҳам қўшилади. Негаки, корхонада ана шундай цех қуришга киришилди. "Учқўрғонёғ"нинг ўз маблағи ҳисобидан бунёд этилаётган цехнинг ишга туширилиши аҳолига, айниқса уй бекаларига қулайлик туғдириши шубҳасиз.*

**СУРАТДА: цех бошлиғи Ҳожимат Йўлдошев илғор ишчи Ҳидоятхон Тожибоева билан тайёр маҳсулотларни кўздан кечираётир.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

Қонун лойиҳалари муҳокамада

# Инсон манфаатларига хизмат қилсин

*Ўн йиллиги нишонланаётган Конституциямиз — мустақиллик пойдевори, ижтимоий ҳаёт кўзгуси ва ривожланиш дастури эканлиги қонун ижодкорлигида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Кучли давлат ҳам кучли жамият ҳам мукаммал қонунларга суянади. Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, ҳаётимизни алоҳида шахслар эмас, қонунлар бошқаришига эришишимиз, барча жабҳаларда қонун устуворлигини таъминлашимиз лозим.*

Миллий ҳуқуқшунослигимизнинг ютуқларидан бири сифатида шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, қонун ижодкорлиги билан боғлиқ фаолиятнинг ўзи ҳам ҳуқуқий асосларга эга бўлди, муфассал тартибга солинди. Бу борада кейинги йилларда учта муҳим қонун қабул қилинди: "Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида", "Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида" ва "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида". Қонун лойиҳаларини тайёрлашга ҳуқуқшунослар билан бир қаторда тобора кўпроқ мутахассислар — иқтисодчилар, файласуфлар, тилшунослар, турли фан, техника арбоблари, амалиёт ходимлари ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Шу боис қонунларимиз тобора мукаммалашиб бораяпти. Улар кенг омма учун тушунарлидир. Энг асосийси — барча қонун ҳужжатлари Конституциямизга мос, улар ишлаяпти, бирортаси салбий баҳоланмаган.

Айни вақтда қонунларнинг амалиёти парламентимиз, тегишли давлат бошқарув органлари ва кенг жамоатчилик томонидан мунтазам назоратга олинган. Баъзи қонунлар ҳаётдаги янгиланишлар, ўзгаришлар туфайли талабга жавоб бермай қолади. Бу табиий ҳол.

Шу муносабат билан Олий Мажлис бир нечта янги таҳрирдаги қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига тақдим қилди. Улар ҳозир амалдагилардан анча такомиллашган. Ҳажми, ички тизими ва бир қанча масалаларнинг тартибга солиниши жиҳатидан сезиларли фарқ қилади.

"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси амалдаги қонуннинг номини ўзгаришсиз ифодалайди. Конституциянинг 35-моддасида эса фуқароларнинг эмас, "ҳар бир шахс"нинг ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи ҳақида баён этилган. Шундай бўлиши халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан ҳам тўғри. Лойиҳанинг 3-моддасида ёзилганидек, бу ҳуқуқ фақат Ўзбекистон Республикаси фуқароларига тегишли эмас, балки фуқаролиги бўлмаганларга, яъни хорижий давлат фуқароларига ҳам тегишлидир. Шундай экан, лойиҳанинг номида ҳам унинг мазмуни акс эттирилиши шарт. Шу муносабат билан баъзи амалиёт ходимлари қонун лойиҳасининг "Ариза, таклиф ва шикоятлар тўғрисида" деб номланишини маъқул кўрадилар. Улар "мурожаат" ибораси одатда давлатнинг аҳолига қаратилган даъвати, таклифи, талаби, деб тушунадилар. Менинг фикримча, давлат ҳам, фуқаро ҳам ўзаро бир-бирларига мурожаат қилишига ҳеч қандай монелик йўқ. Лойиҳанинг 4-моддасида ариза ҳам, таклиф ҳам, шикоят ҳам мурожаатнинг турлари эканлиги тўғри кўрсатилган. Шу сабабли қонун лойиҳаси "Шахснинг мурожаатлари тўғрисида" деб номланса мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблайман.

"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг 18-моддаси мурожаатларни кўриб чиқишда шахсга кенг ҳуқуқлар берилишини назарда тутади. Лекин унда "ҳар бир шахс ўз мурожаатини кўриб чиқаётган давлат органларининг белгиланган иш режимини бузмаслиги керак", деган шарт қўйилган. Бу ҳукуматимизнинг, энг аввало, инсон манфаатлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш зарурлиги, жамиятимизда "халқ раҳбарларга эмас, раҳбарлар халққа хизмат қилиши — асосий қоида", эканлиги принципига зид, деб ўйлайман. Бинобарин, инсон ҳуқуқини амалга ошириш қандайдир давлат идорасининг иш режасига мослаштирилмаслиги, унинг иш режаси доимо инсон манфаатларини кўзда тутиши лозим.

Иккинчи қонун лойиҳаси "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида" деб номланган. Амалдаги қонун номида эса дастлаб ахборот олиш кафолатлари, сўнгра эркинлиги сўзи ўрин олган. Олдин ахборот олиш, ундан фойдаланиш эркинлиги, кейин эса унинг кафолатлари баён этилиши қонун лойиҳасида эътиборга олингани мантиқан тўғри. Лекин лойиҳанинг номи баъзи мулоҳазаларни келтириб чиқаради: Ахборотнинг ўзи эмас, ундан фойдаланиш эркин эканлигига урғу бериш лозимга ўхшайди. Яна лойиҳа номидаги "принциплари" иборасига ҳожат йўқ, чунки унда фақат принциплар эмас (бу ҳақда лойиҳанинг 5-7-моддаларидагина ёзилган), ахборот турлари, манбалари, уларни излаш, олиш, тўплаш, сақлаш, тарқатиш, фойдаланиш, муҳофазалашга оид бир талай тартиб-қоидалар ҳамда ҳуқуқий шартлар ўз аксини топган. Табиийки, қонун лойиҳаси номида бу масалаларнинг барчасини акс эттиришга зарурат йўқ. Улардан энг асосийси — ахборотдан фойдаланиш эканлиги инобатга олинса, шунинг ўзи етарли деб ўйлайман. "Кафолатлар" сўзи ҳам унинг номида ифодаланиши шарт эмас, чунки ҳуқуқ ва эркинликларга бағишланган ҳар бир ҳуқуқий ҳужжат ўзида кафолатларни ҳам ифодалайди. Шу боис қонун лойиҳаси "Ахборотдан фойдаланиш эркинлиги тўғрисида" деб номланса, дуруст бўлар эди.

Қонун лойиҳасининг 5-моддасида "Очиқлик ва ошкоралик, ҳамма фойдаланиши мумкинлиги ва ҳаққонийлик ахборот эркинлигининг асосий принципларидир", дейилади. Аслида очиқлик ҳам, ошкоралик ҳам ахборотдан истаган шахс фойдаланиши мумкинлигини билдиради. Очиқ ахборот ошкораликни англатади, ошкоралик эса ахборотнинг очиқлигидан дарак беради. Ахборот очиқ ёки ошкора экан, ундан ҳамма фойдаланиши мумкинлиги ўз-ўзидан тушунарли. Демак, ахборотнинг очиқлиги, ошкоралиги ва ундан ҳамма фойдаланиши мумкинлиги айнан бир маънони англатади. Шундай экан қонун лойиҳасида икки муҳим принцип — ахборотдан фойдаланиш эркинлиги ва унинг ҳаққоний бўлишини таъминлаш, деган сўзлар ўз ифодасини топиши лозим.

Лойиҳанинг 7-моддаси оммавий ахборот воситалари зиммасига улар эълон қилаётган ахборотнинг ҳаққонийлигини текшириш мажбуриятини юклайди. Ҳаққоний бўлмаган ахборот тарқатилмаслиги учун барча ҳушёрлик чораларини кўриши шарт. Лекин шу моддадаги "оммавий ахборот воситалари ахборотнинг ҳаққонийлиги учун ахборот манбаи билан биргаликда қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар" жумласига аниқлик киритиш керакка ўхшайди. Биринчидан, жавобгарлик ахборотнинг "ҳаққонийлиги учун" эмас, ҳаққоний эмаслиги учун юз беради. Русчада "Ответственность за достоверность информации" сўзи ўзбекчада "ахборотнинг ҳаққонийлиги учун масъулият" деган маънони билдиради. Қонун лойиҳасида "масъулият" ва "жавобгарлик" атамалари ўз ўрнида ишлатилиши лозим, деб ҳисоблайман. Иккинчидан, бундай жавобгарлик "ахборот манбаи"га — газета ва бошқа матбуотга, радио эшиттириш, телевидение кўрсатувига эмас, лойиҳанинг 3-моддасида шарҳи берилган "ахборот мулкдори", ахборот эгаси ҳисобланган юридик ёки жисмоний шахс зиммасига юклатилади. Учинчидан, оммавий ахборот воситаси эълон қилинаётган ахборотнинг ҳаққонийлигига, ундаги далил ва рақамлар тўғри эканлигига шаҳодат бермаслиги, хулосалар билан ҳамфикр эмаслигини билдириши мумкин. Бундай ҳолларда оммавий ахборот воситаси масъулиятни ўзидан соқит қилади. Масалан, лойиҳанинг 6-моддаси охирги қисмига биноан атроф-муҳитга таҳдид солувчи хавф тўғрисида хабарни оммавий ахборот воситаси дарҳол аҳолига етказиши керак. Бу хабар нотўғри эканлиги аниқланган тақдирда, оммавий ахборот воситаси эмас, хабарнинг муаллифи жавобгарликка тортилиши лозим.

Лойиҳанинг 9-моддасида ахборот бериш тўғрисида оғзаки сўровга "имкониятга қараб дарҳол жавоб бериш", ёзма сўровга "имкон қадар қисқа муддатда, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, сўров олинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жавоб қайтарилиши лозим", дейилади. Шу моддага биноан, ҳатто ўттиз кунлик муҳлат ҳам икки ойгача кечиктирилиши мумкин. Бу муҳлатлар ахборот олишга мунтазир бўлиб турган шахснинг манфаатларини эмас, идоравий-маъмурий қулайликни кўзда тутади. Менимча, бу муддатлар камида икки баробар қисқартирилиши лозим. Афсуски, қонун лойиҳасида давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларга қулайлик яратилиб, шахс манфаатлари кейинги ўринга қўйилган.

Лойиҳадаги баъзи ибора ва жумлалар силлиқ, тушунарли эмас. Масалан, унинг 1 ва 4-моддаларида ахборотни "монеликсиз излаш" ибораси ўрнига, менимча, оддийроқ қилиб "ахборотни бемалол, тўсиқсиз излаш" сўзлари қўлланилса маъқул бўларди. Лойиҳанинг 3-моддасида "Ҳужжатлаштирилган ахборот — идентификация қилиш имконини берувчи реквизитлари қўйилган ҳамда моддий жисмда қайд этилган ахборот", деб изоҳланган. Илмий атамаларнинг мазмунини аниқлаштириш зарурлигини эътиборга олиб мазкур жумла "Ҳужжатлаштирилган ахборот — хусусий белгилари ёзма шаклда ёхуд овоз ва тасвир ёзиш воситасида акс эттирилган ахборот", тарзида баён этилса дуруст бўларди.

Қонун лойиҳасининг ўзбекча матнида "конфиденциал" ахборот — "махфий", ахборот "экспансияси" — "босқинчилик", деб аталиши мазмунга бирмунча ҳалал беради. Чунончи, конфиденциал ахборотга расман "махфий" деган тамға босиш тўғри бўлмас, деб ҳисоблайман. Чунки бу сўз ошкора этилиши чекланган ҳар қандай ахборотни ифодалайди. Ахборот экспансияси эса, унга нисбатан босқинчилик қилишни эмас, бошқаларни ундан эркин фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этишни англатади.

**Ғафур АБДУМАЖИДОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.**

## Маҳаллий маҳсулот ҳисобига

**"Избоскан шойи тўқиш" акциядорлик жамиятидага барча цехлар маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослаштирилгач, ишчилар сони ҳам, ишлаб чиқариш ҳажми ҳам бир неча баробар ошди. Мазкур корхона шу даврга қадар инқироз ёқасига келиб қолган бўлиб, бор-йўғи 20 нафар ишчи ишлаётган эди. Бугун вазият ўзгарди. Ҳозир корхонада бир кунда 1000 погон метр ипгазлама ишлаб чиқарилаётир. Ушбу маҳсулотларга бўлган талаб эса юқори.**

**Шунингдек, жамиятда чет эллик сармоядорлар билан ҳамкорликда қўшма корхона ташкил этишга ҳам тайёргарлик кўрилаяпти.**

Таҳлил. Таққос. Таассуф.

# Эгаси борнинг эртаси бор

Дурустгина даромад келтириб турган хўжаликнинг чорваси иккига бўлинди: қорамоллар мулкдор қўлига ўтди, қўй-қўзилар эса ширкат тасаррруфида қолди.

Қўйчилик фермасида раиснинг айтгани-айтган, дегани-деган эди. Хоҳласа, у бир рақам билан қўйларни ҳисобдан чиқаради. Хоҳласа, чўпонларни ишлатмайди-қўяди. Бу сафар ҳам шундай бўлди.

— Ишдан бўшадиларинг, — деди бундан икки йил аввал ўзи ишга олган чўпон-чўлиқларга ўшқириб раис.

Унинг қўрага бемаврид ташрифи, келтирган «хушхабари» сурув ортидагиларни саратонда гумбурлаган момақалдироқдай эсанкиратиб қўйди.

— «Сув келтирган хор-у, кўза синдирган азиз», деганлари шу бўлса керак-да, — дея тили зўрға айланди чўпонларнинг. — Эти устихонига ёпишган қўй-қўзиларни қишловдан эсон-омон олиб чиққанимиз, подани олтмишта қўзи ҳисобига тўлдирганимиз, талон-тарожликларга йўл қўймаганимизнинг мукофотими бу?

— Гап битта, — деди Хўжаобод туманидаги С.Раҳимов номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Анваржон Аҳмаджонов, — отарни топширинглар, тамом-вассалом.

Кекса чўпон Маҳаммаджон ота Тўрабоевнинг кўз олди қоронғилашди. Кўнгли зимистон бўлди.

— Балки ўша зўравон, муштумзўрнинг қўйларини индамай боқиб, семиртириб юраверганимда, бошимда бунчалик тегирмон тоши айланмасмиди? Бир неча қоп ўрам ем талаб қилганда, менга нима, деб бериб юбораверишим керакмиди?..

Хаёллар гирдобли, тубли эди. Ўйлар оғриқли, залворли эди.

Ота ўрнидан оғир қўзғалди. Чопонининг этагини бир силтаб қаддини тиклади. Кўзларини ўғли тенги раиснинг кўзларига қадади.

— Умрим бино бўлиб, эл ризқига кўз олайтирган инсон эмасман, — деди у майсалар чимдиётган қўй-қўзиларга ишора қилиб. — Тўғри, тили, забони йўқ жониворларнинг насибасига чанг солмоқчи бўлганлар билан муроса қилолмадим. Қилмайман ҳам. — Кейин хўжалик тафтишчиси Қамбарали Болтабоевга юзланди: — Шуни ёдда тутки, ҳаромдан ҳазар қилган одам хиёнатга қўл урмайди. Ҳамма қўй-қўзиларинг ўрнида, санаб ўтирмасанг ҳам бўлади, — дея ота отарни тарк этди.

Умри қир-адирларда, Керматоғ ўнқир-чўнқирларида ўтган чўпоннинг аҳволи афтода ҳолда эди. Ўғиллари Ҳасанбой, Ҳайдарали, Воҳиджонлар отасига тортиб, билганлари сурув-сурув қўй-қўзилар-у, кўрганлари яйлов бўлди. Бир пайтлар саждагоҳ каби талпинган, сиғинган кенгликларда йигитларнинг армонлари қолди. Отарларда мунг-алам қолди. Абгор бўлаёзган қўйчилик эндигина тикланган, қўйлар бош сонига сон қўшилган бир пайтда бу нимаси!

— Қўйларни нобуд қилсак, ўғирлатсак, уларга ўзимиз кўз олайтирсак, бошқа гап эди. Энди эл-юрт кўзига қандай қараймиз? Билганлар топиб гапиради, билмаганлар қопиб...

Отанинг кўзлари намланди. Умрида бировнинг устидан хат битмаган эди. Бу сафар чидолмади — қўлига қалам олди. Ўкинчларини қоғозга тўкди.

Яқинда бу ишга вилоят прокуратураси ходимларининг бевосита аралашуви туфайли отахоннинг ҳуқуқлари тўлиқ тиклаб берилди. Натижада у уч фарзанди билан яна қадрдон ўтовига, сурувига қайтди. Айни пайтда улар бой берилган имкониятларни қайта тиклаш, чорвачиликни фойда келтирувчи тармоққа айлантиришга ҳаракат қилишмоқда.

Ширкат чорвасида аҳвол шундай. Бироқ, шу чорванинг бир қисмини хусусийлаштириб олган қишлоқ мулкдори Ҳабибулло Нўъмоновнинг фермасида бутунлай бошқа манзара кўзга ташланади.

— Дастлаб қорамоллар сони 113 бош бўлган бўлса, эндиликда уларнинг сони 132 бошга етди, — дейди «Табассум» агросаноат хусусий фермаси раҳбари Ҳабибулло Нўъмонов. — Шундан 22 боши соғин сигир бўлиб, улардан йилига икки миллион сўмдан ортиқ соф фойда топаяпмиз.

Бунга қандай эришилмоқда? Аввало, у чорвадорлар нонига шерикчилик қилаётган ферма мудири, бош зоотехник, ҳисобчи, тафтишчи сингари қатор вазифаларда ишлаётганлардан воз кечди. Ана шу юмушларнинг ҳаммасини ўз зиммасига олди. Чорва биносинг дарвозасига қулф солди. Емхашакни тарозидан ўтказиб қабул қилишни йўлга қўйди. Наслни яхшилашга эътибор қаратди. Қисқа фурсатда «Швиц» зотли қорамоллар сони ўн бошдан ортди.

— Халқимиз «Така бўлсин, сут берсин» деган гапни хўп топиб айтганда, — дейди Ҳабибулло. — Подани шунчаки ушлаб туришдан наф йўқ. Унинг маҳсулдорлигини ошириш, таннархини пасайтириш ҳақида ўйлаб кўриш керак. Негаки, бир центнер гўштнинг таннархи 1200, сутнинг бир литри 70 сўмни ташкил этган бир пайтда унинг нархини янада тушириш лозим. Шунинг учун ихтиёримиздаги ўттиз гектар экин майдонининг беш гектарида ғалла етиштириб, гектар ҳисобига етмиш центнердан ҳосил олдик. Сомонини ғарамлаб, бўшаган майдонларда жовдар парваришлаяпмиз. Уч гектарлик маккажўхоридан олтмиш центнердан дон, поясидан силос тайёрламоқчимиз. Икки гектар ердаги қизилчадан беш юз центнердан ҳосил олишни мўлжаллаяпмиз.

Чорванинг емиши қанча яхши бўлса, маҳсулдорлик ҳам шунга яраша бўларкан. Фермада йигирма икки киши ишлайди. Турмуш ўртоғим Маҳмурё, укам Ҳамидулло ёнимда. Техникамиз етарли.

Ўтган йили мулкдорлар уч тонна гўшт, 14,5 тонна сут тайёрладилар. Бу рақамлар жорий йилда янада салмоқли, залворли бўлади,

Сезилиб турибдики, мулкдор эртани ўйлаяпти, янгиликлар сари дадил қадам ташлаяпти. Эгаси борнинг эртаси бор. Демак, мулк эгасини топса, чорвачиликда ўзгариш, ўнгланиш, ривожланиш тезлашади. Хўжаобод туманидаги ширкат хўжаликларидаги ачинарли аҳвол шундан далолат беради.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

Анжуман

*Республикамизда физикавий электроника соҳаси бўйича йирик илмий мактаб мавжуд бўлиб, у ўз ишлари билан дунёга танилган. Бу илмий мактаб нафақат фундаментал билимлар соҳасидаги илмий кашфиётлари, балки технология ва асбобсозлик бўйича яратмалари билан ҳам машҳурдир.*

## Физикавий электроника муаммолари

Мактабнинг асосий қисми фаолият кўрсатаётган Электроника институтида ҳар хил технология ва асбобларга ўнлаб хорижий патентлар олинган. Ўзбекистон тарихида биринчи бор чет давлатлар — Япония ва Швейцарияга юксак технологиялар сотилган.

Кеча Тошкентда Электроника институти базасида хорижий олимлар иштирокида физикавий электроника бўйича навбатдаги III Республика анжумани иш бошлади. У Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Фан ва технологиялар маркази бошчилигида ўтказилмоқда.

Физикавий электроника бўйича ўтказилаётган мазкур тадбир шу йўналишда Ватанимиз илмий мактабининг янада ривожланишида, ўзбек олимларининг устувор дастурларни ҳал этишда фаол иштирок қилишларида катта аҳамият касб этиши, шубҳасиз. Шу билан бирга анжуман мамлакатимизда республикада физикавий электроника соҳасидаги ишлар координациясининг яхшиланишига, олимлар орасида ижодий алоқаларнинг кучайишига ёрдам беради. Ёш олимлар ва мутахассислар учун яхши мактаб бўлиб хизмат қилади.

**Умида ФАЙЗИЕВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Қиш эшик қоқмоқда

# Челаклар «мавсумга тахт»

"Қишли-қировли кунларда "дом"да яшаш маза-да. Иссиқ ва совуқ сув муҳайё, хоналар иссиқ" дея орзу қилган кишиларни кўплаб учратамиз. Бироқ кимлардадир ҳавас уйғотган кўп қаватли уйларнинг ҳаммасида ҳам аҳвол мақтагудек даражадами? Айниқса, бундан йигирма-йигирма беш йил аввал қурилган бўлса-чи?!

"Биз қарийб йигирма икки йилдан буён кўп қаватли уйларда истиқомат қиламиз, — дея таҳририятимизга хат ёзибди пойтахтнинг Чилонзор тумани, «Олмазор» маҳалласидаги 6,7, 8, 8/1, 8/2, 9, 9 «А», 15-уйларда яшовчи аҳоли номидан О.Горковой ва бошқалар (жами 38 имзо). — Бугунги кунга келиб, уйлардаги сув қувурлари яроқсиз ҳолга келиб қолган. Ёғин-сочинли кунлар бошланди дегунча, юқори қаватларда яшовчи аҳоли тоғораю челакларини "мавсумга тахт" қилиб қўяди. Негаки, томдан чакки ўтавергач, унга қарши кураш малакаси ҳам ўз-ўзидан ошиб бораверар экан. Ўтган йиллар давомида аҳолига коммунал хизмат кўрсатувчи "ЖЭК", "ЖЭУ", "АП" деган ташкилотлар тузилди. Бу билан коммунал хизмат кўрсатиш маданияти ошмади. Ярим яроқсиз ҳолга келиб қолган муҳандислик-коммуникация ускуналари ҳам ҳеч кимни ташвишга солмади. Томлар таъмирланмади. Айниқса, 7-уйнинг 3-йўлаги, 8/1 уйнинг 5-йўлагида иситиш тармоқлари бутунлай ишламайди. 8/2-уйда сув насоси йўқлиги боис юқори қаватларга совуқ сув чиқмайди. Хуллас, айтаверсак, дардимиз кўп...




2000 йилда "Олмазор-1" уй-жой мулкдорлари ширкати ташкил қилинди. Ҳеч қандай асбоб-анжомларсиз, жиҳозларсиз, шип-шийдам хоналарга жойлашган ширкат жамоаси ишни "АП"дан "мерос" қолган 3,5 миллион сўм қарзни тўлашдан бошлади. Ҳозирги кунда ширкатнинг молиявий имконияти чегараланганлиги боис, ўзига қарашли турар жой фондларини таъмирлай олмаяпти. Устига устак, ширкат ҳудудида жойлашган савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат шохобчалари биз каби барча қулайликлар — иссиқ сув, совуқ сув таъминоти, канализация, иситиш тармоқларидан фойдаланганиҳолда уй-жой мулкдорлари ширкати билан шартнома тузишни исташмаяпти. Даҳадаги деярли барча уйлар эса капитал таъмирга муҳтож."

Арзномадан яна шу нарса маълум бўлдики, аҳолига хизмат кўрсатиши лозим бўлган лифтларнинг аксарияти авария ҳолатида. Таъмирланмаган. Қолаверса, лифт ичида қамалиб қолган киши ҳақида "Лифтремонт"га хабар берилмагунча, у ўша ерда ўтираверади. Негаки, даҳадаги биронта лифтда чақирув тугмачаси ишламайди.

Энди мана бу шикоятни тингланг.

"Биз Шайхонтоҳур туманидаги "Жангтоҳ" уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли 2-"А","Б","В","Г" уйларда яшаймиз, — деб ёзади Мавлуда Расулова. Мазкур уйлар ертўласидан йил — ўн икки ой давомида сув аримайди.Шу билан бирга, чивину пашша ҳам. Лифтлар носоз, қачон қараманг, беш-ўн кунлаб, ҳатто ойлаб "дам" олади. "Лифтремонт"га мурожаат қилсак, «Ширкат бизга пул ўтказмаган, қачон пул тўланса, ишлатамиз», деб жавоб беришади. Бунинг учун биз айбдор бўлмасак керак?! Бу истеъмолчилар ҳуқуқини поймол қилиш эмасми? Яқинда ҳар бир оиладан 350 сўмдан йиғиб, лифт учун "катушка" сотиб олдик. Шундан кейин ҳартугул қарийб бир ойдан буён ишламаётган лифтимиз ишлади. Бироқ қувончимиз қанчага чўзилади, буниси номаълум..."

Бу осмонўпар "дом"ларда яшовчиларнинг муаммолари. Шу ўринда «Ҳовлида яшовчиларни қийнаётган масалалар йўқ эканда», деган савол туғилиши табиий. Уларнинг ташвишлари ҳам ўзларига етарли шекилли, бўлмаса, Бектемир тумани "Мажнунтол" даҳасида яшовчи аҳоли ўзларига яратилган шароитдан арз қилган ҳолда 107 киши имзо чекиб, таҳририятга мурожаат қилармиди?

Арзномада қайд этилишича, бундан ўн икки йил муқаддам аҳолига уй-жой қуриш учун томорқа берилган. Ўша йилнинг ўзидаёқ қурилиш ишлари бошлаб юборилган. Айни пайтда бу ерда истиқомат қилаётган аҳоли учун ажратилган электр қуввати етарли эмас. Транспорт қатнови эса умуман йўлга қўйилмаган. Транспорт хизматидан фойдаланиш учун 3 километр йўл босиб, "Сувсоз" даҳасига қатнашга тўғри келади. «Биз-ку майлия, фарзандларимизнинг ҳар куни 6 километр йўл босиб, "Сувсоз" даҳасидаги мактабга қатнашларини бир тасаввур қилинг-а? — деб ёзишибди "Мажнунтол"ликлар. — Устига устак, асфальтланмаган кўчаларнинг қишда лой, ёзда чанг, бўлишини айтмайсизми?!»

— Ўзбекистон Миллий университети талабасиман, — дея мактуб йўллабди яна бир мухлисимиз Камолахон. — Пойтахтга ёндош Қибрай туманидаги Янгиобод қишлоғида яшаймиз. Мана, уч ҳафтадирки, қишлоғимизда чироқ ёнмаяпти. Айтишларича, электр тақсимловчи ускуна — трансформатор куйган эмиш. Энди чироқнинг қачон ёниши ҳам номаълум экан. Аслида чироғу газнинг ўчиб қолиши қишлоғимизда одат тусига айланиб қолган. Совуқ тушди дегунча, кунимиз ўчоққа қолади. Қиш яқинлашаётгани сари ҳамқишлоқларимизнинг бир ташвишига ўн ташвиш қўшилган». Улар ҳозир «Бу йил ҳам аввалги йиллардаги ҳолатлар қайтарилса-я...» дея юрак ҳовучлаб юришибди.

Биз юқорида қиш мавсумига дахлдор айрим муаммолар хусусида фикр юритдик. Ва ана шу қайд этилган масалалар юзасидан мутасадди ташкилотлардан жавоб кутиб қоламиз.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

Орамиздаги одамлар

# Яхшидан боғ...

*— Хатирчида биров мактаб қурибди.*

*— Катта бой кишидир-да.*

*— Аммо бор бисотини шу қурилишга сарфлабди.*

*— Ўзи нима билан шуғулланаркан?*

*— Оддий ўқитувчи дейишади, илгари кичик корхонаси бор экан. Қаранг, "Жигули"сини ҳам сотиб, қурилишга ишлатибди-я.*

*— Ҳимматига балли-е, барака топсин. Билимни қадрлайдиган одам экан-да...*

Яхши гап тез тарқалади, деганлари шу-да. Баурдоқ қишлоғида мактаб қурган Қудрат Сафаровнинг номи тилдан-тилга кўчди. Таниганлар унга меҳр кўзи билан қарар, мактабни бориб кўрар, дил-дилдан миннатдорчилик билдирарди.

Тўғриси, биз ҳам кўнглимиз раига қарадик. Мана, қаршимизда бисотини мактабга бағишлаган инсон ўтирибди. Мағрурликдан, ман-манликдан асар ҳам йўқ. Саволларимизга жўнгина жавоб қайтаради. Лекин, шунга амин бўлдикки, у бу ёруғ дунёни маърифатсиз, маданиятсиз тасаввур этолмайди. Математика ўқитувчиси эмасми фикрини математикага доир мисоллар билан исботлашга уринади. Кўп нарсани билиш, аниқ хулосалар чиқариш қобилиятини дарров сезиб оласиз. Қўярда-қўймай уни баҳсга чорлайман.

**Қудрат САФАРОВ ҳикояси:** Раҳматли онамни Невара Очилова дер эдилар. Кўп ҳурматли инсон эди. Мактабсиз ўтган кунини кун демасди. Эсимда бир кун мактабдан келсам супадаги тут тагида йиғлаб ўтирибди. "Нега йиғлаяпсиз, онажон" десам, куйлагининг узун енглари билан кўз ёшларини артиб, "Боламов, билимнинг қадрини катта бўлганингда биласан, бугун мактабимизни бузиб кетишди. Қишлоқдан маънавият маърифатни ҳам олиб кетди-ку, шунга кўнглим тўлиб кетди" деди.

Шу воқеа қалбим тўрида муҳрланиб қолган. Мактабдан сўз очилса, мунғайиб йиғлаб турган онам қиёфаси кўз олдимга келаверади. Аслида ўша бошланғич мактаб бузилиши керак экан. Нега десангиз, 60-йилларда хутор тизимини тугатиш тўғрисидаги қарор бўйича туппа-тузук уйлар йўл ёқаларига кўчирилди, жумладан мактаб ҳам. Буз-бузларнинг тагида одамларни томорқадан маҳрум қилиш мақсади ётганини мана энди сезаяпмиз.

Хуллас, шундан бери мактаб мен учун энг азиз макон. Оиламиздаги тўққиз нафар фарзанднинг ҳаммаси ўқитувчи десам ҳам бўлади. Фақат Исомиддин укам техникага қизиққан. Фарзандларим ҳам изимдан бораяпти. Шаҳноза, Гўзал, Мадиналар муаллим Ғайратжон билан Нусратилло университет талабаси. Кичик қизим Замира ҳозирча жарроҳ бўлмоқчи. Яна ким билади...

Бундан ўн йил олдин Қудрат Сафаров мактабдаги дарсларнинг ҳажмини бироз қисқартириб, ўзини тадбиркорликка урди. Ишбилармон дегани олди-сотти билан шуғулланувчи эмас, маҳсулот ишлаб чиқармаган тадбиркор ҳам эмас дерди у. Елиб-югуриб "Бовурдоқ атласи" кичик корхонасини ташкил этди. Бир оёғи Марғилонда бир оёғи Хатирчида бўлди. Асбоб-ускуналарни топиш, ўрнатиш маҳаллий ёшларни ишга жалб этиш осон кечгани йўқ. Харидор ҳам ҳадеганда келавермагани рост. Барибир, атлас ишлаб чиқаришнинг фойдасини кўрди. Бу соҳадаги иши юришиб кетгач, қишлоқдаги ишсиз ёшларни тўплаб, мактаб парталари, турли уй-рўзғор жиҳозлари, мебеллар ясашга киришди. Кўп вақт ўтмай тадбиркорликни хаёлига ҳам келтирмаган муаллим қишлоқдаги бой-бадавлат кишилардан бирига айланди.

Энди у мақсадига эришган эди. Кичик корхона эгаллаб турган 2,6 гектар ерни, биноларни янги мактаб қурилиши ҳисобига ўтказишни сўраб ариза ёзди. Янгидан 12 та хона тиклади. Эшик, деразаларию, хона жиҳозлари ҳам иш корхонасида ясалди. Олдинги бинолар ёрдамчи хоналарга айланди. Мактабни табиий газ билан иситиш йўлида бош суқмаган идораси қолмади. Югурганга толе ёр деганларидек, қарабсизки, 326 ўринли мактаб тайёр.

Қудрат Сафаров билан узоқ суҳбатдан сўнг фикрларимни жамларканман, донишмандлардан бирининг сўзларини эсладим:

"Тарбиячи ўз тарбияланувчиларини қандай кўришни истаса, аввало унинг ўзи ўшандай бўлмоғи керак?". У шундай одам.

Хатирчидаги 81-мактаб "Ҳаётини мактабсиз тасаввур этолмаган", республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Невара Очилова номи билан аталади. Қишлоқ аҳли бу ном билан фахрланишади. Ҳозир Қудрат Сафаров ўзи қурган шу мактабнинг директори. Тадбиркорликни ҳам қўлдан қўйиган эмас, ҳавасманд ёшларни тўплаб, кичик корхонадан қолган дастгоҳларда ҳунар ўргатаяпти. Бир неча тўгараклар ишлаб турибди. Туппа-тузук стадион ёшлар ихтиёрида. Туман, вилоят бўйича ўтказилаётган кўплаб кўрик-танловларда улар совриндор. Мактаб атрофи боғ-роғлар, гулзорларга айланган. 500 тадан ортиқ кўк теракларнинг бўйи 20 метрдан кам эмас. Ҳадемай мактабга даромад келтиради. Директорнинг режалари кўп. Мактабни даромадли соҳага айлантириш, хоналарни замонавий ўқув жиҳозлари билан тўлдириш ниятида.

Халқимизда кўприк қурган, шогирд тарбиялаган, кўчат ўстирган одам жаннати бўлади, деган нақл бор. Ҳамма ҳам шу сўзларнинг маъносини Қудрат акадек идрок қилганда эди, ишончим комилки, ҳаётимиз янада ўзгача ранг оларди.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

*Ижтимоий тадқиқот ҳам башоратга ўхшаган нарса, ҳамиша тўғри чиқавермайди. Бундан бир неча йил илгари БМТ демографлари бир юз элликикки юз йил мобайнида ер юзи аҳолисининг сони қарийб 12 миллиардга етади, деб тахмин қилган эдилар. Яқинда улар янги маълумотни эълон қилишди. Энди уларнинг тахминига кўра, 2200 йилга бориб ер юзида аҳоли сони 10 миллиардга етаркан ва шундан кейин аҳоли сонининг камайиши тезлашиб бораркан.*

# Масъуллик бурчи

Хўш, демографларнинг бугунги кунга келиб ўзларининг бундан атиги бир неча йил олдинги хулосаларига қарши чиқишларига сабаб нима?! Биринчи сабаб шуки, қишлоқ жойларда ҳамда динларнинг таъсири кучли бўлган мамлакатларда туғилиш кўпайиб бораверади, деган тахминлар асоссиз бўлиб чиқди. Бошқа сабаблар ҳам кўп. Демографлар энг асосийлари сифатида атмосферанинг ва сувнинг ифлосланишини, очарчиликни, қашшоқликни, касалликни, айниқса, болалар ўлими кўпайганлигини, урушлар ва турли низоларни кўрсатибдилар.

Атроф-муҳитнинг ифлосланиши келтираётган зарар ер юзидаги очлик ва қашшоқлик офатидан кам эмас. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, атмосферанинг ифлосланиши натижасида ҳар йили уч миллион нафар инсон ҳаётдан кўз юмаркан. Бу бир йилда йўл-транспорт ҳалокати оқибатида ҳалок бўладиганлар сонидан анча кўп. Атмосферани ифлослантираётганлар ҳам асосан транспорт воситалари. Бу борада транспортга (айниқса, автотранспортга) етадиган салбий омил йўқ. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европанинг бир қатор мамлакатларида, хусусан, Италия, Франция, Швейцария ҳамда Австрияда тадқиқот ўтказиб шундай хулосага келган. Ҳатто АҚШда ҳам ҳар йили транспорт ҳамда саноат ишлаб чиқариши ҳавони заҳарлаши оқибатида 70 минг киши ҳаётдан кўз юмаркан.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, ўзимизда автотранспорт билан атмосферанинг ифлосланиши ўртасидаги боғлиқлик қандай, деган савол туғилиши мумкин. Эҳтимол мутахассислар бунинг аниқ ҳисоб-китобини қилиб, соғлиққа зарарли таъсир кўрсатишнинг даражасини аниқлашгандир. Бироқ биргина Тошкент шаҳрини оладиган бўлсак, оддий бир кузатувчи сифатида ҳар куни атмосферага буруқсатиб захарли газ — чанг чиқараётган ўнлаб, юзлаб турли маркадаги енгил автомобиллар, автобуслар ҳамда юк машиналарини кўрамиз. Бир пайтлар шаҳарда милиция ходимлари, журналистлар, экологлар, шифокорлар иштирокида тез-тез рейдлар уюштириб турилар ва техник жиҳатдан носоз, яъни атмосферага буруқсатиб захарли газ — чанг чиқарадиган автотранспортнинг ҳаракатланишига йўл қўйилмас эди. Бўлмаса ўша пайтларда шаҳар кўчаларида автотранспорт ҳозиргига қараганда қарийб бир неча баравар кам эди. Ҳозир Ўзбекистон дунёдаги автотранспорт ривожланган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Транспорт қатнови ва автомобилларнинг сони бўйича Тошкент Европанинг кўпгина шаҳарларидан қолишмайди. Шунга қарамасдан ўша олдинги экологик рейдларни ўтказиб туриш анъанаси йўқ бўлиб кетгандай назаримда. Телеэкранда, газеталар саҳифаларида автотранспорт ҳаракати билан боғлиқ — атмосферани ифлослантириш ҳолатлари ҳақида ҳозиржавоб, асосли, таъсирчан рейдлар, танқидий ва таҳлилий чиқишлар кўринмайди. Атмосферанинг ифлосланиши билан боғлиқ экологик муаммони хонада йиғилиш ўтказиш билан ҳал қилиб бўлмайди. Кейинги пайтда биз журналистлар кўпинча экологияга бағишланган йиғилишлардан ҳисобот ёзишдан нарига ўтмай қолдик.



Дунё миқёсида бугунги атроф муҳитнинг аҳволи қандай? Мен бу саволга жавобни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннаннинг шу йил сентябрь ойида "Вашингтон пост" газетасида босилган мақоласидан топдим. Унда ёзилишича, биз, яъни инсонлар кўп йиллар мобайнида ўзимизнинг масъулиятсиз хатти-ҳаракатларимиз билан атмосферани турли буғланишлар, саноат ишлаб чиқариши натижасида чиқадиган заҳарли моддалар, газ — чанглар билан тўлдириб юбордик, ям-яшил ўрмонларимизни кесиб юбордик, тупроқларимизни шўрлатиб, денгиз ва дарёларимизни қуритиб, сувларимизни ифлослантириб юбордик. Оқибатда иқлим ўзгармоқда. Истеъмол эса тинимсиз ошиб бормоқда. Натижада қашшоқлик ҳамда атроф-муҳитнинг ифлосланиши инсониятни иложсиз аҳволда қолдирмоқда.

Башоратлар, тахминлар, маълумотлар ўз йўлига. Гап йиллар, асрлар ўтиб аҳоли сони қанчага етишида ҳам эмас. Энг муҳими, биз тўқ яшаб, тоза ҳаводан нафас олишимиз керак. Бунинг учун эса тинч-тотув яшаб, боқадиган еримизни, ичадиган сувимизни, нафас оладиган ҳавомизни авайлаб асрашимиз зарур.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи.**

Мустақиллик эпкинлари

# Қишлоқда гап кўп



Рустамжон дўстимнинг қишлоқдан чиқиб кетганига ўттиз йилдан ошди. Ўқишни битиргач пойтахтда ишда қолди, шу ерда туб отиб, палак ёзди. Баъзан йўлим тушиб унинг уйига меҳмонга борсам ҳол-аҳвол сўраб бўлгач, биринчи саволи «қишлоқда нима гап?» дан бошланади. У мени сўроққа тутаверади, мен эса жавоб беришдан чарчамайман. Бугун ҳам олис болаликни эсладик. «Қишлоққа ҳам йўлинг тушмай қолди» деб ўпкаланаман, у эса ўзининг турмуш ташвишларини қалаштириб ташлайди. Хуллас, гап айланиб яна «қишлоқда нима гап, қишлоқдан гапир», дейди. «Қишлоқда тинчлик, ҳамма соғу-саломат, сенга салом йўллашди», дейман. У эса одамларни бирма-бир сўрайди.

— Эшонқул бува яхши юрибдиларми, отамнинг узангидош ўртоғи эди. Бир қоп чигит деб беш йилга қамалиб кетганида падарим ҳар куни эслаб йиғлар эди...

— Эсимда. Эшонқул буванинг отаси қулоқ қилиниб биз томонларга кўчиб келганида раҳматлик, мойжувозини бир кунимга яраб қолар деб эшагининг хуржунига бўлак-бўлак қилиб ортиб келган. Йўлда текширганлар «мияси айниган чол, ўтини нимаси экан» деб ўйлашган. Шу мойжувоз то 50-60 йилларгача ётган. Отаси ўлиб кетгач Эшонқул буванинг шу мойжувозга «отамнинг кўзи» деб ишқи тушибди. Тез орада уни тиклаб, ҳовлининг четига ўрнатибди. Бир ишлатиб кўрай деган мақсадда колхознинг дала шийпони ёнида молларга ем бўлиб ётган чигитдан бир қоп кўтариб келибди. Қараса бинойидек ишлаяпти. Кўнглида ниманидир сезгандек устини эски қоплар билан ёпиб, енгил тупроқ тортиб қўйибди. Томошанинг каттаси эса эртаси куни бўлибди. Унинг бир қоп чигит олиб келганини кўрганлар керакли жойга хабар етказишибди.Хуллас бува бу иши учун беш йилга қамалиб кетди...

— Хабарим бор, бу гаплардан, ҳозир ўша кунларни эслаб чойхонадан чиқмаса керак.

— Э, қаёқда дейсан, Эшонқул буванг қариганида очилиб кетди. Ёнига ўғилларини олиб, ун тегирмони, мойжувоз ва новвойхона очиб олган. Қишлоқнинг унини ҳам, тўю-томошага нонини ҳам етказиб турибди. Буванинг ўзи эса мойжувознинг атрофидан кетмайди. Ҳар замонда кириб ҳол-аҳвол сўрасам «замонангдан айланай», деб ёш боладек хурсанд бўлади.

— Ҳа дўстим, аввало Эшонқул буванинг умри узун бўлсин-у, дунёдан ўтса ҳам беармон кетадиган бўлибди-а. Эсингдами, Йўлдош ака деган одам ёниб турган пахта хирмонига ўзини отиб юборган эди. Борми шу одам, янглишмасам биздан 2-3 ёш кичик ўғли ҳам бор эди.

— Бор, бор, анча қариб қолди. Трактордан чиққан ўтдан хирмон ёна бошласа мени айбдор қилишади, деб ўзини олов ичига отиб юборган одам-да. Жониям қаттиқ экан-а, оловдан тирик чиқиб, узоқ йиллар даволаниб, уйланиб, 6 нафар ўғил кўрганидан хабаринг бор. Унинг бир ўғли жуда уддабурон чиқиб қолди. Уруғчилик заводи қураман деб Америкага, Грецияга, Туркия ва Голландияга бориб энг яхши технологиялар билан танишиб қайтди. Охири Германияда ниятига етиб, Ўрта Осиёда ягона бўлган уруғчилик заводи қурди. Бу қўшма корхона «Хакипет» деб юритилади, у Германиянинг «Петкум» фирмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган бўлиб, Жаҳон банки томонидан ажратилган салкам 3 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредитга қурилди. Шу ишнинг барчасига Йўлдош аканинг ўша тадбиркор ўғли бошчилик қилди.

— Завод қаерга қурилди, туман марказига жойлашгандир.

— Э, нима деяпсан, қишлоқнинг бош томонига қурилди, ишчилари ҳам ўзимизнинг болалар.

— Йўғ-э...

— Юртбошимиз бекорга саноатни қишлоққа олиб кирайлик деб куйинмас экан. Қара, шу завод сабаб йўлларимиз кенгайди, ободонлаштирилди, ёшлар ишли бўлди, ҳамма хурсанд.

— Гапингга қараганда жуда кўп ўзгаришлар бўлиб кетибди-ку. Қишлоққа бормаганимга ҳам анча бўлди. Синфдошлар қалай, Туроб юрибдими, «иккичи».

— Э, бу «иккичи»нинг катта ўғли бало чиқиб қолди. Ҳозир Англиядаги университетларнинг биридаги магистратурада ўқияпти, банк соҳаси бўйича.

— Энди оғайни гапингга ёлғон қўшмай гапирда, нима деяпсан ўзи...

— Нимага ишонмайсан, қишлоғимиздан яна учта бола чет элда ўқийди. Бу оддий ҳолга айланди-ку. Нима, сенингча ҳамма билимдон болалар фақат шаҳарда бўладими?

— Қандай яхши, қандай яхши. Э, айтмоқчи Холтурсун домла яхши юрибдиларми? Нима ишлар қилаяпти?

— У ҳозир фермер. 50 гектар ерда атрофига болаларини олиб деҳқончилик қилаяпти. Ёмон эмас. Қишлоқда бунақа фермерлардан яна 5 таси бор.

— Ҳа, дўстим, ҳаётимиз ўзгариб кетди, тинчлик бўлса ҳали яна катта ишлар бўлади. Қишлоқда нима гап деб сени қийнаб юбордим, энди вақт топиб бир бориб келмасам бўлмас экан.

— Қишлоқда гап кўп, дўстим. Бу ўзгаришларнинг бош сабабчиси — мустақиллигимиздир. Истиқлолнинг шарофатини кўраман десанг қишлоққа бор. Одамларнинг кайфияти баланд, ҳамма нимадир қилгиси келади, хуллас халқ яратувчанлик ишларига киришиб кетди. Ҳамма бой бўлишнинг дардида, бунинг айби йўқ, ўзи шундай бўлиши керак.

— Кейинги суҳбатимиз қишлоқда бўлади, дўстим, қани чойга қара.

**Ҳамид НОРҚУЛОВ.**

**Консерваториянинг маҳобатли залларида жаҳоннинг етук композиторлари мусиқасини маромига етказиб ижро этган Фазлиддин Ҳусанов ўзбек мусиқасининг келажаги борлигини дунёга кўз-кўз қилганди. Мана орадан оз фурсат ўтмай ёш ўзбек мусиқачилари Италиянинг Агрополи шаҳрида «Ле-Музе» мусиқачилар ассоциацияси томонидан ташкил этилган XXV халқаро пианиночилар танловида қатнашдилар.**

# Пианиночилар танлов ғолиби

**Танловда юртимиздан 37 нафар ёш мусиқачи иштирок этди. Икки қисмга бўлиб ўтказилган бу танловда Франция, Россия, Япония, Украина, Польша, Португалия, Италия, Греция, Қозоғистон, Литва, Руминия ва Испания давлатларининг ёш мусиқачилари қатнашди.**

**Ягона 1-даражали «Тито — Апреа» соврини кичик гуруҳ орасида ёш пианиночи сифатида Успеньский номидаги республика ўрта махсус мусиқа мактаб-интернатининг 5-синф ўқувчиси Тамила Салимжановага насиб этди. Кичик гуруҳ бўйича 2-ўринга Самара Тимуровага, катта гуруҳ ўртасида фахрли 3-ўринга эса Гўзал Тагиева мушарраф бўлди.**

**М. ЮСУПОВ.**

# Ҳамкорлик алоқаси боғланди

Интернет алоқа тизими орқали масофавий таълимни ташкил этиш борасида Тошкент давлат авиация институтида тадбиркорлик билан иш юритилмоқда. Олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари томонидан электрон дарсликлар, ўқув қўлланмалари, маъруза матнлари яратилаётгани ҳам шундан.

Аудиторияларда маърузаларни тинглаш, конференцияларни уюштиришдан иборат масофавий таълимни кенг йўлга қўйиш мақсадида институт Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари, хусусан Россия федерацияси ҳамда Украинадаги авиация ўқув даргоҳлари билан ҳамкорлик алоқасини боғлади. Америкадаги "Боинг" компанияси, Германиядаги "Даймлер Крейслер Аэрбасс Индастри" фирмасидан жиҳозлар сотиб олинди.

# Француз тили дарсликлари

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида мактабларнинг V-VI-VII синфлари учун чоп этилган француз тили дарсликлари тақдимоти бўлиб ўтди. Улар Ўзбекистон ва Франция мутахассисларидан иборат муаллифлар гуруҳи томонидан яратилди.

Бу хайрли ишга бундан тўрт йил аввал қўл урилган эди. Дарсликлар матнлари электрон почта орқали Парижга жўнатилиб, француз тили мутахассислари иштирокида таҳрир қилингач яна босиб чиқарилди.

Тақдимот маросимида мактабларнинг VIII-IX синфлари учун ҳам француз тили дарсликлари яратишга киришилгани, бунинг учун малакали француз мутахассислари жалб этилгани маълум қилинди.

**Акбар АЛИЕВ.**

SIEMENS
Со склада в Ташкенте и по контракту
учрежденческие системы связи
✓ Сервис 24 часа в сутки
✓ Help Desk (консультации клиентов)
✓ Гарантийное и контрактное обслуживание
✓ Квалифицированный монтаж и наладка оборудования
✓ Техническая поддержка и обучение клиентов сертифицированными специалистами
✓ Гибкая система скидок
✓ Hicom 330H+HiPath
✓ Hicom 150E OfficePro+HiPath
✓ Hicom 150E OfficeCom+HiPath
✓ Телефоны GigaSet стандарта DECT
✓ Аналоговые телефоны Euroset
✓ Цифровые телефоны Optiset
✓ Аксессуары и комплектующие
Сертифицированный бизнес-партнер № 1
в Республике Узбекистан
"Aleks Telekom"
Приглашаем к сотрудничеству региональных дилеров
тел.:120-72-00, 120-72-01. e-mail:info@telecom.aleksgroup.uz
Товар сертифицирован

